КУНИГА 2-3 ПРОЦЕНТДАН ОШИРИБ ПАХТА ТОПШИРАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши № 217 (13.173).
16 СЕНТЯБРЬ 1965 йил ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ЗАФАР сатрлари

ҚАМАШИ. (Телеграф орқали). Қамаши райони чорвадорлари давлатга сут сотиш бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Колхоз ва совхозлар 2609 тонна сут сотдилар. Район хўжаликлари йил охирига қадар давлатга тағин 400 тонна сут етказиб бериш учун курашяптилар.

□ □

ТЕРМИЗ. («Совет Узбекистони» махсус мухбиридан). Жарқўрғон районидаги «Меҳнат-роҳат» колхози чорвадорлари давлатга 538 центнер сифатли жун етказиб бериб, йиллик планнинг барвақт бажарилганлиги тўғрисида ғалаба рапорти бердилар.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Қарши шаҳрида, тантанали вазиятда сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда юксак суръатларга эришганликлари учун Қашқадарё области ва Ғузор райони вакилларига Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг қўчма Қизил байроқлари топширилди.

Байроқларни Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц топширди. (ЎзТАГ).

А Ҳ Д

Избоскан районидаги «Партия XX съезди» совхозида бу йил пахтани машинада теришга пухта ҳозирлик кўрилди. 500 гектар ердаги ғўза машинабоп қилиб парвариш қилинди. Ҳозир ана шу майдонларда машиналар қайтадиган жойлар ҳозирланмоқда.

Колхоз механизаторлари мавжуд 20 агрегатни барвақт шайлаб қўйишди. Б. Ҳайдаров, А. Алижонов, М. Қўчқоров ўртоқлар сингари моҳир механик-ҳайдовчилар мавсумда 150 тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилишди.

ПАРТИЯВИЙ ИШНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ

Совет кишиси ўз тақдирининг, ўз эркҳуқуқи ва мамлакатининг ҳақиқий хўжайинидир. Унинг бунчалик шарафга, беқиёс устунлик ва афзалликларга эга бўлиши социалистик демократиянинг шарофати, ленинчи партия ўтказаётган ҳақ сиёсатнинг шарофатидир. Бизнинг партиямиз меҳнаткашлар оммасининг давлатни бошқариш, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида бевосита ва актив иштирок этишлари учун хамма имкониятларни вужудга келтирди. Демократик асосларда бошқаришнинг энг оммавий, энг халқчил формаларидан бири партия-давлат контролининг амалда қўлланишидир.

В. И. Ленин ишчилар, деҳқонларнинг бевосита иштироки билан олиб бориладиган контролнинг моҳиятига юксак баҳо берар ва бу соҳани бошқарувчи ходимлардан контролни уюштиришнинг ташкилий, амалий жиҳатларини пухта билишни талаб этар, бу ишда шошма-шошарлик ва ховлиқишларга сира йўл қўймаслик зарурлигини уқтирар эди. Юқоридан тортиб то қуйи звеногача ўрнатиладиган контроль ишларида кенг меҳнаткашлар оммаси актив иштирок этгандагина у таъсирли ва самарали бўлиши табиий бир ҳол.

Контролнинг кучи унинг демократик принципларга асосланган объектив ва реаллигида, чинакам халқчиллигида, жамият манфаатларини партиявий позицияда туриб ҳимоя қилишда ва ниҳоят халқ ижодий кучлари билан жипслашиб, доим мустаҳкам боғланиб ишлашдадир. Бу контроль ишончли қўлларда — партия ва халқнинг содиқ фарзандлари, ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук, коммунизм қурувчисининг энг яхши фазилатларини ўзларида сингдирган кадрлар қўлидадир. Улар контролнинг ленинча услуб ва қоидаларига қатъий амал қилиб, ҳаётда пайдо бўлаётган ҳамма янги нарсаларни актив қўллаб-қувватламоқдалар, коммунистик қурилишга раҳбарлик қилишнинг демократик принципларини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришда, сиёсий-хўжалик вазифаларни ҳал этишда партия ташкилотларига энг яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Халқ назоратчилари — партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа ва постларнинг аъзолари партия ташкилотларининг ўткир кўзи, серғак ва чаққон таянч кучлари ҳисобланадилар. Улар ўз ишларида бой тажриба тўпладилар, контролнинг оммавий усул ва формаларини қўлланиб, унинг таъсирчанлигини, жанговарлигини оширмоқдалар, ишлаб чиқаришда, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида вужудга келаётган янги-янги ташаббусларни, тажрибаларни дадил қўллаб-қувватламоқдалар ва уни оммалаштришда муносиб ўрин эгалламоқдалар, камчилик, нуқсонларга қарши, ғайри қонуний ҳаракатларга, эскилик сарқитларига, интизомсизлик ва жамоат тартибини бузиш ҳолларига қарши ўт очмоқдалар.

Ҳозир партия-давлат контроли органларининг фаолиятида жуда катта воқеа — кўмаклашувчи группа ва пост аъзоларининг икки йиллик ваколат муддатини тугаши муносабати билан уларнинг сафларини янги кучлар ҳисобига алмаштириш вазифаси турибди. Бу партиявий ишнинг энг муҳим қисмидир. Одатда вакиллар партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, колхозчиларнинг йиғилишлари томонидан сайланади. Утаётган йиғилишларда кўмаклашувчи группа ва постларнинг аъзолигига энг яхши кишилар — меҳнатда, жамоат ишларида ўзларини кўрсата олган, омма ўртасида обрў-эътибор топган софдил, сезгир, ғайратли ва принципиал кишилар кўрсатиляпти. Улар орасида ишчилар, қурувчилар, транспорт магистралининг новаторлари, колхоз-совхоз ишлаб чиқаришнинг илғорлари, юқори ҳосил усталари, фан-техника ихлосмандлари, ўқитувчилар, врачлар, конструкторлар, архитекторлар ва бошқа касб эгалари, бор.

Республикамизнинг Фарғона, Тошкент, Андижон областларида бу иш партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида ташкилий жиҳатдан пухта, ҳар жиҳатдан уюшқоқлик билан меҳнаткашларнинг актив иштирокида ўтказилмоқда. Йиғилишларда кўмаклашувчи группа ва постларнинг ишлари чуқур таҳлил этиляпти. Фарғона ёғ-мой комбинатида назоратчиларнинг икки йил мобайнида олиб борган ишлари яхши натижалар берганлиги қониқиш билан қайд қилинди. Маргилон ипак комбинатида эса назоратчилар коллективининг ишончига муносиб иш қила олдилар. Улар комбинатда ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири сифатида, маҳсулот сифатини яхшилаш, ички резервларни ишга солиш, моддий бойликларни ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш, ишчилар турмуш даражасини ошириш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ва бошқа шунга ўхшаш масалалар билан системали шуғулланиб, хўжалик вазифаларни бажаришда муҳим ҳисса қўшдилар. Назоратчилар ўзларининг ибратли ишлари билан партия ташкилотининг муносиб кўмакдоши эканликларини амалда исбот этмоқдалар.

Кўмаклашувчи группа ва постларнинг тажрибаси улар ишни яхши уюштирганларида хўжалик ва маданий қурилишнинг барча участкаларида партиявий назоратни кучайтириш мумкинлигини равшан кўрсатди. Тажрибада синалган бу ҳақиқатни ҳисобга олган партия ташкилотлари ишлаб чиқаришнинг ҳамма звеноларида кўмаклашувчи группа ва постлар ташкил этиш маҳсадга мувофиқ деб ҳисобламоқдалар. Шу сабабдан ҳам улар кўмаклашувчи группа ва постлар сони ва составини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бироқ, афсуслар бўлсинки, айрим жойларда, жумладан, Сурхондарё областининг Денов районида, Самарқанд областининг Пайариқ районида партиявий ишнинг бу муҳим соҳасига етарли эътибор бермаслик, вакиллар кўрсатишга бағишланган йиғилишларни ўтказишга юзаки қараш ҳоллари юз бермоқда. Партия ва давлат нуқтаи назаридан жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу масалага эътиборсизлик билан қараш сира кечириб бўлмайдиган бир ҳолдир.

Жамоат контроли бюрократик кўринишларга, бепарволик ва хотиржамликка, саҳсалорлик ва юзаки ишлашга, исрофгарчилик ва турли суиистеъмолларга қарши ўт очишнинг муҳим воситасидир. Бу система кадрларимизни, барча меҳнаткашларни тарбиялаш ва чиниқтиришда, қабул қилинган қарорларнинг, давлат топшириқларининг бажарилишини текшириб туришда жуда катта роль ўйнайди. Ҳаққий ва объектив контроль ходимларнинг ишчанлик қобилятини, масъулиятини кучайтиради, омма олдидаги, коллектив олдидаги бурчини садоқат билан бажаришида кучли таъсир кўрсатади.

Халқ назоратчиси кузатувчилик қилиш билан чекланиб қололмайди. У контроль органининг вакили сифатида ҳамма ишдан кўз-кулоқ бўлиб туриши, ўзи хизмат қилаётган участкадаги аҳвол учун масъулият ҳис этиши керак. Чин нурашчи, ҳаққий назоратчи ўзини ажаблантирган, изтиробга қийноққа солган салбий ҳодисаларга, масалан, давлат мулкини исроф этиш, айрим нопок шахслар томонидан ўзлаштириш каби ҳолларни дадил очиб ташлаш билангина қолмай, унга қарши курашда жасорат ва қатъият кўрсатади, енгади, ишларнинг тўғри йўлдан боришига таъсир кўрсата олади. Шундай иш тутиш айни муддао. Бу ҳамма кўмаклашувчи группа ва пост аъзоларининг фаолияти учун зарурдир.

Бирор корхона, колхоз-совхоз, муассаса ёки хўжалик ташкилотининг ишидаги етишмовчиликларни, тартибсизликларни, молиявий бузилишларни, нотўғри ҳаракатларни очиб ташлаш ишнинг бир томони, уни тузатиш эса бош масала. Шу сабабдан ҳам айрим жойларда содир бўлгани сингари контроль органларининг вазифаси ишни текшириш дангина иборат деб қараш нотўғридир. Юз берган хато ва нуқсонларни амалда, ўз жойида тузатиш контролнинг самарали бўлишини таъминлайди.

1965 йил — етти йиллигимизнинг якунловчи йили, улуғ яратувчилик ишлар йили бўлади. Буни катта ишлар мезонидан кўриб турибмиз. Республикамизнинг Ватан хазинасига 3 миллион 650 минг тонна «оқ олтин» ҳадя этишдек буюк ва муқаддас юришимиз мана шу якунловчи йилда янада самаралироқ бўлишига ишончимиз комил. Модомики, ҳозир пахта учун, ҳосилнинг ҳаммасини сира нобуд қилмай тез йиғиб-териб олиш учун умумхалқ кураши қизғин ва кескин, қатъий ва жанговар характер олган экан, бу курашда партия-давлат контролининг ҳамма ходимлари, уларнинг кўмакдош группалари ва постлари энг муносиб ўрин эгаллайдилар. Улар бундан кейин ҳам партиянинг қудратли таянчи, энг содиқ, сезгир ва жанговар ёрдамчилари сифатида ўз ишларини, ленинча контролнинг принципларини янада ривожлантираверадилар.

МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА КАНАЛИ ҚУРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

◆ ◆

Кейинги йилларда Ўзбекистон меҳнаткашлари Фарғона водийсида ерларни суғоришни ривожлантириш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар. Кўпгина сув хўжалик объектлари қурилиб ишга туширилди. Сўнгги йилларда Катта Фарғона каналининг сув ўтказиш имкониятлари кўпайтирилди. Жанубий Фарғона канали кенгайтирилмоқда. Каркидон сув омборининг биринчи навбати қурилиб бўлди, йирик насос станциялари барпо этилди ва барпо этилмоқда, сувни чиқариб ташлайдиган йирик трактлар системаси вужудга келтирилди, кўпгина коллекторлар қурилди. Сувни тиндириш вақтида унинг кўплаб оқиб кетишини камайтириш мақсадида ҳозир каналларнинг қирғоқларини бетонлаштириш кенг қўлланиляпти.

Кейинги йилларда Марказий Фарғонада 75 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди, шундан 65 минг гектарига 1964 йилда экин экилди. Бу ерларда колхоз ва совхозлар ташкил этилди, улардан кўпи пахтадан яхши ҳосил етиштирмоқда. Ўтган йили Марказий Фарғона хўжаликлари давлатга 100 минг тоннадан кўпроқ пахта сотдилар.

Бироқ Андижон ва Фарғона областларининг Фарғона водийсинг жанубий қисмидаги ерлари сувга муттасил, хусусан ёзги суғориш даврида муҳтожлик сезмоқда ва шунинг учун ҳам Марказий Фарғонадаги суғориладиган ер майдонларини тағин ҳам кенгайтиришга имконият бўлмади. Норин дарёсидан сув оладиган Марказий Фарғона каналини бунёд этиш юз берган ана шу аҳволдан халос бўлиш демакдир.

Бундай канал барпо этилиши билан ҳозиргача Катта Фарғона каналидан сув ичиб келган 40 минг гектаргача ерни суғориш ва шу тарика Катта Фарғона каналидан сув ичадиган ерларни сув билан таъминлашни анча кучайтириш; қўриқ ерларда 70 минг гектаргача ерни суғориш; Охунбобоев номли канал системасининг сув билан таъминланишини гарантиялаш имконияти вужудга келади. Шундай қилиб, Марказий Фарғонанинг ерларини сув билан таъминлаш масаласи ҳал этилади.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларига амал қилиб, суғориладиган ер майдонларини кенгайтириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экиндари етиштиришни кўпайтириш катта аҳамиятга эга эканлигини, Фарғона ва Андижон областларининг хўжалик ресурсларидан яхшироқ фойдаланишни назарда тутиб, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Фарғона ва Андижон область ташкилотлари, Сув хўжалиги министрлиги ва «Средазгипроводхоз» лойиҳалаш институтининг Марказий Фарғона канали қурилишини амалга ошириш тўғрисидаги таклифларини маъқулладилар. Каналнинг бош тўғонини секундига 200 кубометрга сув сарфлайдиган, каналнинг биринчи навбат қурилишини эса секундига 100-120 кубометр сув сарфлайдиган қилиб қуришни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

«Средазгипроводхоз» институтига канал қурилиши лойиҳа топширигини шу йилнинг 15 октябридан кечиктирмай тузиб чиқиш ва у тасдиқланганидан кейин кўзда тутилган график юзасидан иш чертёжларини топириш таклиф этилди.

Сув хўжалиги министрлиги ва Госстройга лойиҳа экспертизасини ўтказиш ва лойиҳани лойиҳа топшириги тугалланганидан кейин икки ҳафта муддат ичида республика Министрлар Советининг тасдиғига тақдим этиш топширилди.

Госпланга ва Сув хўжалиги министрлигига канал қурилишини 1967 йилга бориб батамом тугаллаш учун зарур бўлган миқдордаги маблағларни 1966 йилда ажратиб беришни кўзда тутиш таклиф этилди.

Марказий Фарғона каналини «Узгалвводстрой» қуради.

Сув хўжалиги министрлигига лойиҳа тасдиқланганидан кейин бир ой ўтгач республика Министрлар Советига қурилишнинг бутун даври учун ишларнинг календарь графигини тақдим этиш вазифаси топширилди, токи 1967 йил вегетация давридаёқ каналнинг жанубий участкасидан Қорадарё орқали сув бериш мумкин бўлсин.

Сув хўжалиги министрлиги ва «Средазгипроводхоз» лойиҳалаш институти зиммасига 1966 йилда Марказий Фарғона канали орқали сув ичадиган ерларнинг мелиоратив тадбирларини лойиҳалаштира бошлаш, канал қурилгандан кейин ана шу ерларга сув бериши кескин суратда яхшилашни назарда тутиш вазифаси юклатилди.

Яғни суғориладиган ерларни ўзлаштириш учун пахтачилик совхозлари ташкил этиш кўзда тутиляпти.

Қарорда шу нарса таъкидланадики, Марказий Фарғона каналининг қурилиши Фарғона ҳамда Андижон областларида суғориладиган деҳқончиликни янада ривожлантириш, пахта етиштиришни жадал суръатлар билан кўпайтириш учун гоят катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозлари, район ва область партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари Марказий Фарғона каналини барпо этишда актив иштирок қиладилар ва уни тезроқ битказиб ишга туширишда қурувчиларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

КУВОНЧЛИ ТЕЛЕГРАММАЛАР

КУНИГА 3 ПРОЦЕНТДАН

«Коммунизм» колхози пахта тайёрлаш ва топширишда Чуст районидагина эмас, Андижон областида ҳам пешқадам хўжаликлар сафидан ўрин олиб келмоқда. Колхоз фидокорлари ҳар куни тайёрлов пунктларига 65-70 тонна «оқ олтин» жўнатиб турибдилар. Бу — йиллик планнинг 3 процентига тенгдир.

Пешқадам колхоз пахтакорлари Узбекистон КП Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан йиллик планни сентябрь ойи ичида бажаришга қатъий аҳд қилдилар. «Зангори кема»лар деҳқонларнинг жонига оро кира бошлади. Ҳозир терим агрегатлари пахтазорда бир меъёрда гуриллаяпти.

К. НАСРИДДИНОВ.

МАШЪАЛ БРИГАДА

ШЕРОБОД. («Совет Узбекистони» махсус мухбиридан). Шеробод тоғлари оралигидаги бўш ерларга чигит экиан «Коммунизм» ихтисослаштирилган совхозининг Урол Дониёров бошлиқ бригадаси ҳар гектар майдондан 20 центнердан пахта топириб, йиллик планини муддатидан анча илгари бажарди.

Машъал бригада азаматлари 35 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан яна 15 центнердан «оқ олтин» топшириш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

Андижон область Учқўрғон районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ Х. Мирзаалиев бошлиқ бригадаси пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Йиғим-терим қизғин тус олаётган шу кунларда кўпминг килограммчилар ҳаракати тобора кенгаймоқда. Сиз суратда кўриб турган Ҳафиза Эргашева ҳам мавсумда 15 тонна пахта теришга аҳд қилган. Ҳозир у 180-200 килограммдан «оқ олтин» теряпти.

А. Воропаев фотоси.

СЕНТЯБРЬ 15 — „ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИ

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планга нисбатан процент ҳисобида; биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошида; тўртинчи устун — дефолиация қилинган майдонлар)

Қашқадарё	2,33	38,88	44,37
Бухоро	2,31	30,66	26,59
Фарғона	2,12	22,04	37,93
Сурхондарё	1,74	20,56	50,86
Андижон	1,89	17,49	23,58
Тошкент	2,20	14,46	79,37
Самарқанд	1,55	11,41	32,10
Хоразм	1,24	7,85	37,18
Қорақалпоғистон АССР	1,02	7,55	51,69
Сирдарё	0,55	3,44	62,98

МИРЗАЧЎЛДА МАШИНА ТЕРИМИ

Мирзачўл ерларида орзиқиб кутилган пайт — машина терими бошланди. Жиззах районидаги «Зарафшон» колхозининг механизаторлари Меҳри Эрматова, Саттор Эшонқулов, Норбодом Рустамова ва Орзиқул Шермоновлар пахта далаларига агрегатларини биринчи бўлиб олиб чиқдилар.

Пахта терими авж олдирилган бир пайтда Мирзачўлда 5500 комбайн ишлайди. Механик-ҳайдовчилар Мирзачўл ерларидан териб олинган ҳар беш килограмм пахтанинг уч килограммини машина бункерларидан тўкишга сўз бердилар. Бу Узбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатига амалий жавоб бўлади.

СИГНАЛ!

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»НИНГ ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ МУХБИРИДАН

◉ Хоразм областида ҳамон суръат кўтарилмаётир. Янгиариқ районидаги «Ленинизм», Ҳазораспдаги «Октябрь» колхозлари кунда 2-2,5 процент пахта тайёрлаётганлари ҳолда, кўпгина хўжаликлар бу кўрсаткичдан анча ортда қолишяпти.

◆ Урганч ва Гурлан районларида бир кунлик ўсиш лоақал 1 процентга ҳам етмаяпти. 14 сентябрь куни Урганч райони 0,90, Гурлан райони эса 0,98 процент миқдорида пахта тайёрлади.

◉ Хива районида мавжуд 343 та пахта териш машинаси ҳали ҳам ишга туширилгани йўқ. Машина теримига ажратилган майдонларнинг энди 60 проценти дефолиация қилинди. Янгиариқда 9000 гектардан 4000 гектарида дефолиация ўтказилди, холос.

◉ Машъал областда пахта териш ва давлатга топширишнинг кучайтирилмаётганлиги билан ортиқча келишиб бўлмайди. Ҳар бир хўжаликда график қонун бўлсин. Кунда 2 процент миқдорида ва ундан ҳам ошириб пахта тайёрланишига эришиш — хоразмликларнинг жонажон вазифасидир.

БАЁНОТ ИМЗОЛАНДИ

МОСКВА, 14 сентябрь. (ТАСС). Бугун Кремлда Совет — Чехословакия қўшма баёнотини имзолаш маросими бўлди. Қўшма баёнотни КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти А. Новотний, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раиси И. Ленарт имзолашдилар.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

ЧЕХОСЛОВАКИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 15 сентябрь. (ТАСС). Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Антонин Новотний бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси партия-давлат делегацияси бугун эрталаб Москвадан Ватанига жўнаб кетди.

Внуково аэродромида ўртоқ Антонин Новотнийни ва чехословакиялиқ бошқа дўстларни Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, Ю. В. Андропов ўртоқлар ва бошқа совет расмий кишилари кузатиб қолдилар.

Л. И. Брежнев ва Антонин Новотний ўртоқлар дўстона нутқ сўзладилар.

ГЕНЕРАЛ НЕ ВИН ТОШКЕНТДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Бирма Иттифоқи Революцион кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси генерал Не Вин ва унинг ҳамроҳлари шарафига 14 сентябрь кечқурун қабул маросими ўтказдилар.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова меҳмонларни самимий табриклади. Е. С. Насриддинова айтдики, совет кишилари Бирма халқининг Бирма Иттифоқи мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашда эришган муваффақиятларини, унинг иқтисодий ва маданий тараққиёт соҳасида қўлга киритган ютуқларини эўр мамнуният билан кузатиб турибдилар.

Совет халқи Бирма ўтказиб кедаётган тинчликсевар ташқи сиёсатга ва унинг замонамиз энг эарур проблемаларини — ёппасига ва батамом қуролсизланиш, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, шармандали мустамлакачилик системасини тугатиш проблемаларини ҳал этиш учун қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берада.

Генерал Не Вин ўзининг жавоб нутқида бундай деди: Мен ва делегациямизнинг ҳамма аъзолари СССР бўйлаб қилаётган сафаримизда Узбекистонга келиш имкониятига эга бўлганлигимиздан жуда хурсандмиз. Бизни эўр шодлик ва тантана билан кутиб олдилар. Совет кишилари Бирма халқига нисбатан самимий дўстлик туйғуларини изҳор қилаётганликларини кўриб турибмиз.

СССР билан Бирма ўртасидаги дўстлик янада кўпроқ мустаҳкамланишини истайман.

Қабул маросими дўстона вазиятда ўтди.

* * *

Бирма Иттифоқи Революцион кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси генерал Не Вин ва унинг ҳамроҳлари 15 сентябрь эрталаб Тошкент билан таниш иб чиқишни давом эттирдилар. Улар республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини кўрдиб, кўрдилар. Бу сафарда Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ва республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов уларга ҳамроҳ бўлишди.

Генерал Не Вининг илтимосига кўра, республика халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачилик тўғрисида меҳмонларга батафсил сўзлаб берилди.

Меҳмонлар шу куниёқ академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтига бордилар. Институт боғларида етиштирилган узум, олма, ноқ, ўрик, беҳи ва бошқа қўп махсулотлар бутун жаҳонга машҳур.

— Кўздан кечирганларимиз, — деди генерал Не Вин, — биз жуда хурсанд қилди. Жуда ажойиб нарсаларни кўрдик. Мен ҳозирнинг делегациямизнинг аъзолари билан гаплашдим. Бу ерга Бирмадан ўз одамларимизни юборишга тўғри келса керак. Улар боғ-роғларни ташкил этиш, ўсимликларни парвариш қилишни сизлардан ўрганиб олсинлар. Биз ажойиб боғингизни кўздан кечириб, жуда кўп нарса билиб олдик.

* * *

Генерал Не Вин ва унинг ҳамроҳлари шу куни Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар.

Тошкент аэропортида Бирма меҳмонлари самимий узатиб қолинди. (ЎзТАГ).

ҚУДРАТИМИЗ—БИРЛИКДА

СОВЕТ—ЧЕХОСЛОВАКИЯ ДЎСТЛИГИ МИТИНГИ

МОСКВА, 14 сентябрь. (ТАСС). Пойтахт меҳнаткашлари бугун Кремлдаги Съездлар саройига тўпланишди. Бу ерда Чехословакия Социалистик Республикаси партия-давлат делегациясининг СССРга қилган визитига бағишланган совет—чехословак дўстлиги митинги бўлди.

Митингга тўпланган кишилар Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти Антонин Новотний бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси партия-давлат делегацияси аъзоларини қарсаклар билан кутиб олдилар.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, Ю. В. Андропов, Б. Н. Пономарев ва бошқа ўртоқлар президиумга чиққанларида митинг қатнашчилари уларни самимий кутиб олдилар.

Совет—чехословак дўстлиги митингини КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоричев очади.

Митингда «Динамо» заводининг слесари Л. И. Никонов, СССР Фанлар академияси физика химияси институти кафедрасининг мудири профессор А. В. Киселев, Москва энергетика институтининг студенти Н. В. Димитриева нутқ сўзладилар.

Залдагилар томонидан қарсаклар билан кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Митинг қатнашчилари Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Антонин Новотнийнинг нутқини қарсаклар билан кутиб олдилар.

Совет—чехословак дўстлиги митинги ягона мақсад — коммунизм сари дадил олга бораётган икки қардош халқ бузилмас иттифоқининг ёрқин намойишига айланди. (ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқ Новотний!
Азиз ўртоқ Ленарт!
Чехословакиялик муҳтарам дўстлар!
Ўртоқлар!

Биз бугун ажойиб дўстларимиз билан, қардош чехословак халқининг вакиллари билан учрашмоқдамиз. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукуматининг топшириувига биноан, шу ерда ҳозир бўлган барча кишилар номидан, барча совет кишилари номидан Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти, чехословак халқининг синалган раҳбари, халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби ўртоқ Антонин Новотний бошчилигидаги Чехословакия партия-давлат делегациясини қизғин табриклашга ижозат бергайсиз.

Шу залда чехословакиялик қардошларимиз шарафига табрик сўзлари биринчи марта жаранглаб эшитилаётгани йўқ. Бизлар тез-тез учрашиб, фикрлашиб турамиз, умумий проблемаларни муҳокама қилиб турамиз. Чехословакия ва Совет Иттифоқи социализм ва коммунизм саодати йўлидаги ижодий меҳнатида, империализмга қарши қаттиқ курашда бир ёқадан бош чиқариб, бир сафда бораётганларига йигирма йилдан ортиқ вақт бўлди. Бизнинг мақсадимиз битта, тақдиримиз битта, истиқболимиз ҳам муштарақдир. Халқларимиз ва партияларимизнинг жипслигини бўшаштира оладиган куч йўқ.

Совет ва чехословак коммунистларининг ғоявий бирлиги — мамлакатларимиз ва халқларимиз қардошларча ҳамкорлиги асосларининг асосидир. Совет кишилари Чехословакия Коммунистик партияси қандай шонли ва жанговар йўлни босиб ўтганлигини яхши биладилар, Чех ва словак коммунистларининг революцион кураши Чехословакиянинг тарихи билан, чехословак халқининг тақдири билан чамбарчас боғланган.

«Тарих саҳифалари» деган ибора бор. Ўтмишдаги воқеаларни эсга олганларида, бу иборани кўп ишлатадилар. Халқ турмушидаги, революцион ҳаракат тарихидаги шундай «саҳифалар»нинг ҳар бири миллион-миллион авторлар томонидан ёзилади. Бу саҳифани жамиятнинг бутун бойликларини ўз меҳнати билан вужудга келтираётган кишилар ёзадилар. Бу саҳифани ўз кучи ва ҳаётини аямай, эксплуатация ва жабр-зулмга қарши, янги, порлоқ дунё учун, социализм дунёси учун курашаётган кишилар ёзадилар. Биз, коммунистлар, ҳаракатимизнинг, партияларимизнинг тарихи тўғрисида гапирар эканмиз, ҳаққоний иш учун отланган ва революциянинг тантана қилишина, марксизм-ленинизм ўлмас идеалларининг тантана қилишини таъминлаган маълум ва номаълум қаҳрамонларнинг номини ҳурматлаб тилга оламиз.

Чехословак ишчилар синфи ва унинг авангарди — коммунистлар партиясининг шонли революцион традициялари шиддатли синфий жангларда мустаҳкамланди ва чиниқди. Чехословакия Коммунистлар партияси қийинчиликларни бартараф қилиб, янги ҳаёт барпо қилиш жараёнида муқаррар рўй берадиган проблемаларни ижодий тарзда ҳал этиб, омманинг беиҳтиёр зўр мададига сазовор бўлган етук, тажрибали сиёсий ташкилот эканлигини кўрсатди. Чехословакия Коммунистик партияси саноатни ривожланган мамлакатда туб социал ислоҳотларни амалга ошириб, ревизионизмга ва догматизмга қарши изчил курашларни олиб бориб, жаҳон социализми назарияси ва практикасига катта ҳисса қўшди, жаҳон коммунистик ҳаракатида ўзига муносиб обрў қозонди.

Чех ва словак халқлари Коммунистик партия раҳбарлигида ривож топган социалистик жамиятни муваффақиятли суратда барпо қилмоқдалар, коммунизмга ўтиш учун мустаҳкам замин яратмоқдалар. Чехословакия Социалистик Республикаси ҳозирги пайтнинг ўзидаёқ иқтисодий тараққиёт даражаси жиҳатидан жаҳондаги биринчи ўринларнинг бирини эгаллаб турибди.

Барча совет кишилари номидан чехословакиялик дўстларимизга янги муваффақиятлар, янги ғалабалар, янги буюк зафарлар тилашимга ижозат бергайсиз.

Ўртоқлар!

Урушдан кейинги йигирма йил мобайнида Европада жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Эндиликда Европа қитъасининг кўпчилик қисмида социалистик жамият қарор топди. Янги социалистик Европа шаҳдам қадам қўйиб бормоқда. Оснёдаги социалистик мамлакатлар ва социалистик Куба билан биргаликда у эндиликда жаҳон социализм системасини ташкил этади.

Халқаро ишчилар синфи қўлга киритган бу ғалабанинг улуғворлиги, ҳозирги революцион ҳаракатда, инсониятнинг тақдирини белгилашда халқаро ишчилар синфи жуда катта роль ўйнаётганлиги кун сайин очиқ намоён бўлмоқда. Ўз социалистик тузумининг, ўзининг марксча-ленинча идеологиясининг бирлиги, улуғ мақсадларининг бирлиги билан жипслашган жаҳон социализм системасидаги мамлакатлар «куч бирликдадир», деган сўзларнинг ҳақиқатини практикада, реал ҳаётда сезиб турибдилар.

Социалистик ижтимоий тузум янги типдаги халқаро муносабатларни шакллантиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Социализм мамлакатлари қардошларча ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамининг жуда кўп хилма-хил формалари вужудга келди ва бу формалар такомиллашиб бормоқда. Ижтимоий ҳаётнинг ҳар қайси соҳасини — сиёсат, экономика, маданият, фан соҳасини олиб кўрмайлик, ҳамма ерда ҳар томонлама ва мустаҳкам алоқалар тажрибасини кенг қўлламда айирбошлашнинг ажойиб натижаларини, социалистик интернационализм ҳамма жойда буюк ижодий, яратувчи куч сифатида майдонга чиқаётганлигини кўрамиз.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам масалалари социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги ҳаётида жуда катта роль ўйнаётганлигини тушуниб олиш қийин эмас. Мамлакатларимизнинг экономикаси ривожлана борган сайин бу масалаларга тобора катта аҳамият касб қилади. Чехословакиялик дўстларимиз билан қилган суҳбатларимизда ҳам бу масалаларга катта эътибор берилди.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси нақадар юқори бўлса, миллий миқёсдагина эмас, балки интернационал миқёсларда ҳам меҳнат тақсимотини, ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни такомиллаштириш шу қадар зарур бўлиб қолажагини исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Социалистик ҳамкамиятда бу процесслар давом этмоқда ва маълумки бу процесслар яхши бормоқда. Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгаши катта ва фойдали тажриба тўплади. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама иқтисодий алоқалар яхши ривожланмоқда.

Айни вақтда биз шу нарсани ҳам жуда яхши биламизки, социалистик давлатлар иқтисодий ҳамкорлигининг мукаммал системасини вужудга келтириш вақтни ҳам, ҳукуматлар ва коммунистик партияларнинг доимий эътиборини ҳам талаб этадиган мураккаб ишдир.

Иқтисодий кооперативлаштириш процессларини сунъий равишда жадаллаштириш ярамайди. Бугун социализм системаси иқтисодий тараққиёти манфаатларини айрим социалистик мамлакатлар тараққиёти манфаатларига қарама-қарши қўйиш нотўғри бўлур эди ва бунга сира ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Социалистик мамлакатларнинг миллий хўжаликлари муваффақиятли ривожланиб борган сари, уларнинг иқтисодий алоқалари шу қадар сермазмун, ҳар томонлама ва мустаҳкам бўлажагини, социалистик ҳамдўстлик доирасида халқаро меҳнат тақсимотини ривожлантириш учун шу қадар қулай шарт-шароитлар вужудга келишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Ҳозирги кунда социалистик давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги соҳасида вужудга келтирилаётган янги ва катта имкониятлар ана шу давлатлардан ҳар бири экономикасининг муваффақиятли суратда ривожланаётганлигининг бевосита натижасидир.

Социалистик мамлакатларнинг экономикасини янада ривожлантириши таъминлаш йўлида улар олдида кўпгина катта вазифалар турибди. Бу вазифаларнинг баъзилари ички имкониятлар ва ресурслар асосида муваффақиятли суратда ҳал этилиши мумкин ва ҳал этилмоқда. Бу вазифаларнинг баъзилари эса манфаатдор давлатларнинг биргаликда зўр ғайрат билан ишлашларини талаб этади. Мисол учун энергетика ва ҳом ашё базасини ривожлантириш проблемасини олиб кўрайлик. Маълумки, социалистик мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам замонавий индустрия эҳтиёжларини қондириш учун етарли миқдорда ҳом ашё заҳиралари ва энергетика ресурсларига эга деб бўлмайди. Практика шуни кўрсатадики, зарурат сезган мамлакатлар бу соҳада коллектив бўлиб ҳаракат қилишлари, халқ хўжалигининг энергия ва ҳом ашёга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур чораларни биргаликда амалга оширишлари лозим. Биз бир қанча социалистик давлатларнинг ресурсларини шу тариқа бирлаштириш натижалари тўғрисида назарий жиҳатдангина фикр юритиб қолмаймиз. Бизнинг яхши тажрибамиз бор. Мен бунда «Дўстлик» нефть қувурини, бирлашган ва «Тинчлик» деб аталган энергетика системасини кўзда тутаман. Булар ҳозирнинг ўзидаёқ анча яхши самара бермоқда ва фойда келтирмоқда.

Чехословакиялик ўртоқларимиз эндиликда ҳом ашё тайёрловчи саноатнинг бир қанча тармоқларини биргаликда ривожлантиришни таклиф этмоқдалар. Биз бу ташаббусни мақуллаймиз. Бизнинг фикримизча, бир неча социалистик мамлакатлар учун муштарак бўлган асосий иқтасодий проблемаларни коллектив суратда ҳал этиш мақсадида уларнинг моддий ва молиявий ресурсларини сафарбар қилиш зарур ва перспектив индир. Бу тамомила ихтиёрийлик асосида қилинадиган иш бўлиб, манфаатдор мамлакатлар лозим деб билган тарзда ҳал этилади, албатта.

Биз чехословакиялик дўстларимизнинг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар, томонлама иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш Чехословакиянинг манфаатларига ҳам, Совет Иттифоқининг манфаатларига ҳам жавоб беради, деган фикрларига тамомила қўшиламиз. Биз Совет мамлакатига импорт қилинаётган барча машина ва асбоб-ускуналарнинг 20 процентини социалистик Чехословакиядан олиб турибмиз. Чехословакияда тайёрланаётган пойафзал, кийимкечак, мебель, ойна ва кенг истеъмол қилинадиган бошқа товарлар совет кишиларига жуда маъзур бўлмоқда.

Айни замонда Чехословакия Совет Иттифоқидан импорт ҳисобига темир рудасига бўлган эҳтиёжининг 68 процентини, нефтга бўлган эҳтиёжининг 91 процентини, пахтага бўлган эҳтиёжининг 41 процентини ва рангли металларга бўлган асосий эҳтиёжларини таъминлаб келмоқда. Бизнинг мамлакатимиз Чехословакияга жуда кўп хилма-хил машина ва ускуналарни етказиб бермоқда, бир қанча йирик халқ хўжалик объектларини қуришда унга техника ёрдами кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтда Чехословакияда, Германия Демократик Республикасида, Польшада ва бошқа социалистик мамлакатларда халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, иқтисодий планлаштиришнинг илмий даражасини ошириш, иқтисодий воситалардан тўла фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Совет Иттифоқида ҳам бу соҳада катта ишлар қилинмоқда. Бу иш муайян вақтни талаб қилади, албатта. Бунда масалани шошма-шошарлик билан субъектив тарзда ҳал этишга асло йўл қўйиб бўлмайди. Бунда гап шу тўғрида бормоқдаки, экономикамиз тараққиётида шу вақтгача тўпланган бутун тажрибани синчиклаб таҳлил этиб, мавжуд барча имкониятларни пухта чамалаб кўриб, халқ хўжалигини бошқаришнинг ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг ҳозирги даражасига жуда мос келадиган ва социалистик ишлаб чиқариш усулининг барча афзалликларидан максимал фойдаланилга ёрдам берадиган формаларини ишлаб чиқиш керак. Равшанки, бошқа қардош мамлакатларнинг шу соҳадаги тажрибаларини эътибор билан ўрганиш ва ҳисоба олиш ана шу мураккаб вазифаларни ҳал этишда жуда фойдали роль ўйнай олади.

Биз янги ҳаётни биргаликда қурмоқдамиз ва биз социализм ғалабаларини биргаликда қўрикламоқдамиз. Социализм мамлакатларини мудофаа қилиш, уларнинг тўб сиёсий ва иқтисодий манфаатларини империалистик агрессорларнинг кирдикорларидан ҳимоя қилиш вазифалари уларнинг биргаликда тобора мустаҳкамлашни қаттиқ талаб қилади.

Ҳозирги вазият социализм дунёсини мудофаа қилишнинг қудратли қуроли бўлган Варшава Шартномаси ташкилотини янада такомиллаштириш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Бу вазифани энг яхши тарзда ҳал этиш йўлларини қидириб топмоқ учун ҳаммамиз зўр ғайрат билан ишлашга тайёрмиз.

Барча соҳалардаги муносабатларимизни зўр бериб ривожлантириш, ўзаро фойдали алоқа ва ҳамкорликни кенгайтириш ва кучайтириш, янги жамият қуриш тажрибасини айирбошлашга чехословакиялик дўстларимиз билан биргаликда қатъий қарор бергамиз. Чехословакия Социалистик Республикаси партия-давлат делегацияси визитининг самарали натижалари, совет—чехословак ҳамкорлигининг бутун практикаси тўла ишонч билан қўйидагиларни айтишимизга асос беради: Халқларимизнинг, Совет Иттифоқи ва Чехословакия коммунистларининг қардошларча ҳамкорлиги мамлакатларимизнинг бахт-саодати йўлида, барча социалистик халқлар оиласининг бахт-саодати йўлида янада ўсиб, мустаҳкамлаца беради!

Ўртоқлар! Чехословакия делегацияси билан учрашиш ва музокаралар вақтида кўпгина халқаро проблемалар муҳокама қилинди. Совет Иттифоқи ва Чехословакия ҳозирги халқаро вазиятга баҳо беришда, социалистик мамлакатлар олдида, бутун жаҳон коммунистлари олдида турган вазифаларга баҳо беришда тамомила бир хил фикрдадир.

Биз замонамиздаги барча революцион ва тараққийпарвар кучларнинг асосий таянчи бўлган жаҳон социалистик ҳамдўстлиги бирлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келдик ва бундан буён ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қила берамиз. Бизнинг сиёсатимиз синфий сиёсатдир. Бу сиёсат пролетар интернационализми, халқаро ишчилар синфининг революцион қураши билан қардошларча бирдамлик принципларига асосланган. Биз халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб келдик ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлай берамиз. Биз эски ва янги мустамлакачиликка қарши мардонё кураш олиб бораётган ёш мустақил давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш соҳасида актив иш олиб бормоқдамиз.

Бизнинг мамлакатларимиз социал тузуми бошқача бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Шу сабабли, биз империалистик агрессияни йўқотиш учун, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун қатъий кураш олиб боришни ўз бурчимиз, деб ҳисоблаймиз. Партияларимизнинг, ҳукуматларимизнинг принципиал позицияси ана шундай. Совет Иттифоқи ва социалистик Чехословакия халқлари бу позицияни тамомила қўллаб-қувватламоқдалар. Биз бу сиёсатни бошқа қардош мамлакатлар билан — социалистик давлатлар улуғ оиласининг аъзолари билан маҳкам ҳамкорликда амалга оширмоқдамиз.

Чехословакия Европанинг қоқ ўртасида жойлашган, шу сабабли, Европа хавфсизлигини таъминлаш проблемаси, бизнинг қитъамизда тинчликни мустаҳкамлаш проблемаси Чехословакия учун ҳаётий аҳамиятга эга. Маълумки, Совет Иттифоқи, мамлакатимизнинг халқи ва ҳукумати бу проблемага ҳамиша катта эътибор бериб келди ва бораверади.

Биз воқеликдан кўз юма олмаймиз. Қўшма Штатлар рағбатлантираётган Германия Федератив Республикасининг ҳукмрон доиралари Ғарбий Европада устун мавқени эгаллашга интилмоқдалар. Улар очиқдан-очиқ реваншчилик йўлига ўтмоқдалар, ўзларининг авантюризм сиёсати билан, ҳатто Шимолий Атлантик блокдаги ўз иттифоқчилари орасида ҳам ташвиш тўғдирмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Ғарбий Германияда сайлов олди кампанияси ўтмоқда. Ҳукмрон партиялар раҳбарларининг нутқлари билан танишиб чиқадиган бўлсак, Ғарбий Германия сиёсатига етакчилик қилаётган кишиларнинг сайлов олди платформаларини кўздан кечирадиган бўлсак, Бонн сиёсатдонлари нутқлари ва ишларининг асосий мазмуни бундесвери ядро қуроли билан таъминлаш талабидан, ўтмишдаги герман рейхининг чегаларини тиклашга даъват этишдан, иккинчи жаҳон урушининг натижаларини қайтадан кўриб чиқиш йўлидан иборат эканлигини кўриб билиш қийин эмас.

Рост, эпчилроқ сиёсатдонлар реваншчилик мақсадларини Германия Федератив Республикасининг тинчликсеварлиги ва яхши ниятлари тўғрисидаги гаплар билан ниқоблашга уринмоқдалар. Афтидан, Ғарбий Германиянинг давлат арбоблари сайловчиларнинг кайфиятларини эътиборга олиб, Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтиришга тайёр эканлиги тўғрисида баъзан мулоҳаза юритишдан ҳам қайтмаётган бўлсалар керак.

Бу тўғрида нима дейиш мумкин? Биз, Совет Иттифоқидагилар, Германия Федератив Республикаси билан муносабатларнинг нормаллашувини табриклаган бўлур эдик, албатта. Аммо, бир нарса ҳамиша равшан бўлиб қолмоғи керак: бундай нормаллаштиришга Боннинг реваншчилик даъволарини қондириш асосида эришиш мумкин эмас. Германия Демократик Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Польша Халқ Республикасининг, бошқа бирон социалистик мамлакатнинг манфаатлари ҳисобига бундай нормаллаштиришга эришиш мумкин эмас. Бундай бўлиши мумкин эмас! Ғарбий Германия Совет Иттифоқи билан муносабатларни ҳақиқатан ҳам ривожлантириш ниятида экан, бунинг учун бемаъни агрессив гапларга хотима бериш ва урушнинг якунларини ҳамда урушдан кейинги даврда Германия ва Европадаги тараққиётни эътибордан четда қолдирмай, реал заминга ўтиш керак.

Халқлар ҳеч нарсани унутмайдилар. Улар ўтган урушнинг жуда оғир сабоқларини эсдан чиқаганлари йўқ. Гитлерчиларнинг экспансияси қандай бошланганлигини совет ва чехословак халқлари яхши биладилар. Чехословакия агрессорларнинг дастлабки қурбонларидан бири бўлган эди. Ўша вақтда Ғарб давлатларининг нацизмга йўл қўйиб берганликлари қадам-баҳдам иккинчи жаҳон урушига олиб келди. «Тинчитиб қўйиш» сиёсати деб неча ўн миллионлаб кишиларнинг ёстиғи қуритилди. Шармандали Мюнхен битимининг аччиқ самаралари Европадаги юзларча ва мингларча шаҳар ҳамда қишлоқларни кул қилиб кўкка совуришдан иборат бўлди. Шу сабабли, Рейн дарёси соҳилларида урушқоқлик руҳидаги нутқлар яна такрорланаётган ҳозирги пайтда, социалистик мамлакатларнинг халқлари герман милитаризмининг ҳарбий юришлари такрорланишига йўл қўймаймиз, деб қатъий айтмоқдалар. Ҳозирги Европада урушнинг йўлини тўса оладиган қудратли кучлар бор. Улар қаторида янги, социалистик Германия ҳам бор. Мамлакатларимизнинг халқлари бу кучларнинг ўсиб мустаҳкамланиши учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрадилар.

АҚШнинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги агрессив сиёсати натижасида вужудга келган бир қанча проблемалари ҳам чехословакиялик дўстларимиз билан бирга муҳокама қилдик.

Бу масалада ҳам биз тамомила бир хил фикрдамиз. Биз қаҳрамон Вьетнам халқининг америкалик интервентларга қарши олиб бораётган курашини қатъиян қўллаб-қувватлаймиз. Биз мудофаани мустаҳкамлашда, Америка агрессиясини даф қилишда қардош Вьетнамга самарали ёрдам кўрсатмоқда. Шу сабабли, инсониятнинг эркин ҳаёт кечира олиши учун кўп иш қилган ва кўп қурбон берган совет халқининг муваффақиятлари янада катта аҳамиятга эгадир. Советлар мамлакати фашизмга қарши курашда ҳам, жаҳондаги прогрессив тараққиёт йўлида ҳам инсониятга кўп қаҳрамонларни етиштириб берди.

Совет Иттифоқи ҳозирги кунда қудратли саноат давлати бўлиб, фан ва техникани ривожлантириш соҳасида жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Совет фани космоса биринчи бўлиб йўл олди. Сизнинг конструкторларингиз техника жиҳатидан юксак даражада бўлган космик кемаларни вужудга келтирдилар. Бу космик кемаларда одамлар биринчи марта космик фазога учирилди. Совет фанининг ихтиро ва кашфиётлари бутун жаҳонда фанни ривожлантиришга қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

Биз шу нарсага қатъий аминмизки. Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм сари олга бораётган совет жамияти сиёсат, экономика ва маданият соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эриша беради. Совет Иттифоқининг янги меҳнат зафарлари социалистик мамлакатларга анча катта мадад беради, тараққиёт йўлидан бораётган барча халқларга катта таянч бўлади. Биз бунга ишонамиз ва бунга аминмиз.

Ўртоқлар! Дўстлар!

Чехословакия Социалистик Республикасининг халқи ҳам мамлакатимизнинг социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг актив звеноси бўлиб қолмоғи учун, бизнинг шароитларимизда ҳам социалистик тузумнинг имкониятлари ва афзалликлари янада яққол рўёбга чиқиши учун зўр бериб ҳаракат қилмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз ҳозирги пайтда Чехословакия Коммунистик партиясининг XIII съездига тайёргарлик кўриш даврига қадам қўйди. Бу съезд келгуси йилда ўтказилади. Биз съездга тайёргарлик кўришда шу нарсага асосланамизки, XIII съезд Чехословакия Коммунистик партиясининг 1962 йилда бўлиб ўтган XII съездининг қарорларига асосланади, социалистик жамиятни янада ривожлантириш, сўнгра коммунистик жамиятга ўтишга тайёргарлик кўриш юзасидан XII съезд қабул қилган программани чуқурлаштиради, конкретлаштиради.

(Охири учинчи бетда).

ЎРТОҚ А. НОВОТНИЙ НУТҚИ

Ҳурматли ўртоқлар.
Азиз ўртоқ Брежнев,
Азиз ўртоқ Микоян,
Азиз ўртоқ Косигин,
Дўстлар!

Чехословакия Социалистик Республикасининг партия-давлат делегациясини қардош Совет Иттифоқига таклиф этганликлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига самимий ташаккур изҳор қиламиз.

Биз сизнинг мамлакатингизда бўлган вақтимизда Белоруссия Совет Социалистик Республикасига, Арманистон Совет Социалистик Республикасига, Москва, Горький, Минск, Ереванга, заводларга, колхозларга, илмий муассасаларга бордик, совет халқининг ҳаёти билан танишдик ва мамлакатингиз эришган ажойиб муваффақиятлар тўғрисида тасаввур ҳосил қилдик.

Биз борган ҳамма жойда бизни чин кўнгилдан кутиб олдилар. Бизга нисбатан ва бутун чехословак халқига нисбатан изҳор қилинган қардошларча дўстлик туйғулари учун қизғин ташаккур билдирамиз. Биз ишчилар, инженерлар, техниклар ва олимлар билан суҳбат қилдик, колхозчиларингиз билан, партия ва давлат ходимлари билан гаплашдик ва ҳамма жойда ўзимизга нисбатан қардошларча муносабатни ҳис этдик. Азиз ўртоқлар, сизларни ишонтириб айта оламанки, бизнинг халқимиз ҳам Совет Иттифоқининг халқига худди шундай қардошлик туйғуларини изҳор қилмоқда.

Биз Совет Иттифоқи қилган буюк меҳнат натижаларини ва унинг фашизм устидан галаба қозонилганидан буён ўтган 20 йил ичида эришган тараққиётини кўрдик. Буларнинг ҳаммаси жамиятнинг чинакам қайта қурилганлигидан, социализм негизлари мустаҳкам қарор топганлигидан далолат беради. Совет Иттифоқи коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришда ана шу негизларга таяна олади.

Сизнинг жуда катта заводларингиз бор, бу заводларда янги техника қўлланилмоқда, ишлаб чиқариш процесслари автоматлаштирилмоқда. Сизнинг колхоз ва совхозларингиз йирик социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг афзалликларидан фойдаланиш йўлидан олга бормоқдалар. Фаннинг ҳамма соҳалари ривожланмоқда, меҳнаткашларнинг билим даражасини ҳамиша кўтариш тўғрисида ғамхўрлик қилинмоқда. Янги шаҳарлар қад кўтармоқда, жамоат муассасалари қурилмоқда, турмуш даражаси ва маданий савия мислсиз юксак погонага кўтарилган. Мамлакатингизга қилган сафаримиз натижасида жуда кўп марта изҳор қилинган дўстлик туйғуларини, бизга энг яқин бўлган халқнинг муваффақиятларидан қувончимизни ўзимиз билан бирга олиб кетиш билан чекланиб қолмаймиз; биз кўпгина янги нарсаларни ҳам ўргандик. Бу эса, бизнинг ишимиз учун фойдали бўлади. Сизлар қўлга киритган жуда катта муваффақиятлар тўғри йўлдан бораётганлигимизни исбот қилади. Улуғ Октябрь социалистик революцияси сизларга ҳам, бизларга ҳам, бошқа социалистик мамлакатларга ҳам ана шу йўлни очиб берди ва бу йўлни биринчи бўлиб совет халқи қуриб бермоқда.

Биз Совет Иттифоқида марксизм-ленинизм илмий таълимотни биринчи бўлиб амалга оширган социалистик мамлакатни кўрдик. Бу мамлакат социализм асосларини вужудга келтиргани ҳолда, капитализм дунёсидан ўзини ҳимоя қилишга мажбур бўлган эди. Совет халқи ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг буюк хизмати шундаки, улар социалистик жамиятни қуриш билан, марксизм-ленинизм идеяларини амалда ривожлантириш билан Совет Иттифоқи каби социалистик йўлдан борган бошқа халқларнинг йўл ва мақсадларини кўрсатиб бердилар. Ана шу принциплар ва тажрибаларга асосланиб, бизнинг мамлакатларимиз ўз территорияларинг ҳажми ва ўз давлатларинг ривожлантириш соҳасидаги вазифалар жиҳатидан, шунингдек ўз экономикасининг кўламлари жиҳатидан бир-бирларидан гарчи анча фарқ қилсаларда, муваффақиятли суратда ҳамкорлик қила оладилар ва бу билан барча мамлакатлар ўртасидаги социалистик ҳамдўстликда тамомила тенг ҳуқуқли ўртоқларча ўзаро муносабатлар мавжуд эканлигини, ҳар бир мамлакат ўз имкониятлари ва талабларига мувофиқ суратда бошқа мамлакатнинг тараққиётига ёрдам беражагини намойиш қила оладилар, деб ҳисоблаймиз.

Ҳар иккала Коммунистик партиямиз социалистик интернационализм принципларини мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда амалий суратда қўлланиб, марксизм-ленинизмнинг умумий принципларига асосланадилар. Бу принциплар ҳозирги халқаро шароитларда, умуман кишилик жамиятининг ва хусусан социалистик жамият тараққиётининг ҳозирги шароитларида коммунистик партиялар ижодий сиёсатининг негизидир, инсоният ва, аввало, социалистик жамият қўлга киритаётган сиёсий, илмий ва маданий муваффақиятларнинг негизидир.

Сўнгра, биз шунга асосланамизки, ҳозирги халқаро сиёсий масалаларга, барча халқларнинг озодлиги ва мустақиллигини таъминлашга, социализм ва коммунизм йўллари ва мақсадларига ҳамда халқаро коммунистик ҳаракатнинг принципиал проблемаларини ҳал этишга қарашда коммунистик партияларимиз ўртасида ғоявий бирлик мавжуддир.

Биз ўз дўстлигимизни кучайтириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантирган ҳолда ҳаммамиз учун муштарак бўлган ана шу принцип ва қарашларга таянамиз. Шу билан бирга, ўз мамлакатларимизнинг аҳволида ва улар олдида турган проблемаларда бўлган тафовутларни эътиборга оламиз, албатта. Шу нарса ҳам тушунарлики, биз Совет Иттифоқини Чехословакия билан ўз-ўзича таққослай олмаймиз ва Чехословакия билан бир қаторга қўя олмаймиз, ёки Чехословакияни Совет Иттифоқи билан бир қаторга қўя олмаймиз. Биз Совет Иттифоқи ривожланиб бораётган шароитларни, у ҳал этаётган проблемаларни, совет кишиларида пайдо бўлаётган эҳтиёжларигина эмас, балки Совет Иттифоқининг ҳозирги дунёда тутган ўрни ва ролини ҳам эътиборга олишимиз лозим. Совет Иттифоқи ўз мамлакатининг тараққиётида бу шароитларни, шубҳасиз, эътиборга олиши ва уларга асосланиши керак.

Иккинчи томондан, бизга шу нарса ҳам равшанки, ҳар иккала партиямиз учун муштарак бўлган марксизм-ленинизмнинг умумий принципларини қўлланганимиз ҳолда, биз ўз планларимизни ишлаб чиққанимизда ва республикамизда яшовчи халқнинг турмушини ташкил этганимизда, ўз мамлакатимизнинг шароитларига асосланишимиз ва бу шароитларни эътиборга олишимиз керак. Шу билан бирга, ҳар иккала мамлакатимиз социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини ва умуман ана шу ҳамдўстликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган проблемаларни ҳам эсдан чиқармайди.

Янги прогрессив кишилик жамияти қурилишига асос қўрган ва инсоният тараққиётининг боришини янги йўлга — тараққиёт, социализм, тинчлик йўлига буриб юборган Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳамиша улуғ революцион куч бўлиб қола беради.

Ҳозирги тараққиёт ана шу улуғ революция идеяларини дунёни қай тариқа тўхтовсиз қўзғатаётганлигини, бу идеяларнинг амалга оширилиши империализмни ва капиталистик тузумни заифлаштириб, озод ва прогрессив халқлар базасини қай тариқа тўхтовсиз кенгайтириб бораётганлигини кўрсатади. Ҳозирги кунда йўлимиз тўхтовсиз олга олиб бормоқда. Халқларнинг бутун инсоният учун яхши ва адолатли турмуш барпо этиш йўлидаги курашдаги кенг прогрессив ҳаракати реакция кучларини бугунми ёки эрта йўқ қилиб ташлайди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида немис-фашист босқинчилар қўшини совет кишиларини қирганликларига ва совет халқига моддий жиҳатдан жуда катта зарар етказганликларига қарамай ва фашист қўшинлари устидан ғалабани таъминлаш учун Совет Иттифоқи жуда кўп маблағларни сарфлаганига қарамай, Совет Иттифоқи эришган муваффақиятлар жаҳон тараққиётига, шубҳасиз, кучли таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, инсониятнинг эркин ҳаёт кечира олиши учун кўп иш қилган ва кўп қурбон берган совет халқининг муваффақиятлари янада катта аҳамиятга эгадир. Советлар мамлакати фашизмга қарши курашда ҳам, жаҳондаги прогрессив тараққиёт йўлида ҳам инсониятга кўп қаҳрамонларни етиштириб берди.

Совет Иттифоқи ҳозирги кунда қудратли саноат давлати бўлиб, фан ва техникани ривожлантириш соҳасида жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Совет фани космоса биринчи бўлиб йўл олди. Сизнинг конструкторларингиз техника жиҳатидан юксак даражада бўлган космик кемаларни вужудга келтирдилар. Бу космик кемаларда одамлар биринчи марта космик фазога учирилди. Совет фанининг ихтиро ва кашфиётлари бутун жаҳонда фанни ривожлантиришга қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

Биз шу нарсага қатъий аминмизки. Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм сари олга бораётган совет жамияти сиёсат, экономика ва маданият соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эриша беради. Совет Иттифоқининг янги меҳнат зафарлари социалистик мамлакатларга анча катта мадад беради, тараққиёт йўлидан бораётган барча халқларга катта таянч бўлади. Биз бунга ишонамиз ва бунга аминмиз.

Ўртоқлар! Дўстлар!

Чехословакия Социалистик Республикасининг халқи ҳам мамлакатимизнинг соци

ЎРТОҚ А. НОВОТНИЙ НУТҚИ

(Боши иккинчи бетда).

Чехословакия Коммунистик партиясининг XII съезди мамлакатимизда социализм эришган ғалабалар асосида илгари сурган вазифалар узоқ вақт мобайнида ўз аҳамиятини сақлаб қолади, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, биз бу вазифаларни ўзимиз яшаётган ҳозирги даврнинг ва шундан кейинги йилларнинг талабларига мувофиқ ишлаб чиқишни истаймиз. Шу билан бирга, биз социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ғалабасидан тўла фойдаланиб, экономика, фан, маданиятнинг ҳамма соҳаларида, мамлакатнинг бутун ҳаётида социалистик жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалалар ва вазифаларни ҳал этишни давом эттира берамиз. Биз халқаро социалистик меҳнат тақсимоти имкониятларидан фойдаланишга ҳам ҳаракат қиламиз. Буларнинг ҳаммаси иккинчи вазифани ҳал этишга ўтишимиз учун аста-секин шароит вужудга келтириш имконини беради. Бу иккинчи вазифа билим савияси юксак даражага кўтарилган, ҳар томонлама ривожланган жамиятни вужудга келтиришдан ва бу билан коммунистик жамият қуриш учун замин тайёрлашдан иборат.

Шундай қилиб, бутун хатти-ҳаракатимизнинг моҳияти ўтган йилларда қўлга киритилган ижобий натижаларнинг ҳаммасини мустаҳкамлашдан, даври ўтиб кетган ҳамма нарсани бартараф қилиш ва йўқотишдан, социалистик жамиятнинг афзалликлари ва имкониятларидан бундан буён ҳам ҳар томонлама фойдаланиш йўлларини дадил очиб беришдан иборат бўлади. Биз амал қилиб келган баъзи йўллар ҳозирги куннинг ўзидаёқ социалистик жамиятни янада ривожлантириш эҳтиёжларига мос келмай қолди. Баъзи диспропорциялар ҳам пайдо бўлди. Олдиндан маълум бўлмаган баъзи ташқи факторлар ҳам салбий роль ўйнади. Кейинги уч йил мобайнида рўй берган табиий офатларнинг жиддий оқибатлари ҳам тараққиётимизни сусайтирди.

Шу сабабли, биз қишлоқларни бартараф қилиш учун кўп куч сарфлашга ва айни замонда бу билан саноат структурасига зарур ўзгаришлар киритишга мажбур бўлдик. Меҳнат унумдорлигини ва миллий даромади янада тез ўстириш мақсадида, бутун социалистик жамиятни ривожлантириш техникани янада ривожлантириш, фаннинг янги ютуқларини қўлланиш учун ана шу ўзгаришларни киритиш зарур эди.

Биз бугун бу йилги планнинг бажарилиш якунларини тўплаганимизда, халқ хўжалигимизнинг тараққиётида муайян ижобий тенденциялар рўй берганлиги ҳақида гапира оламиз. Шу йилнинг етти ойи мобайнида саноат ишлаб чиқариш давлат плани 102,4 процент бажарилди, баъзи соҳаларда эса планнинг сифат кўрсаткичлари ҳам бажарилмоқда. Бу йил об-ҳаво шароитларининг ноқулай келганлиги деҳқончиликка салбий таъсир кўрсатди. Мамлакатнинг жанубий қисмидаги катта территорияда бўлган тошқинлар айниқса катта зарар етказди. Бизнинг фикримизча, фақат Жанубий Словакия территориясида тошқиндан қурилган зарарларнинг ўрнини қоплаш учун қариб 3,5 миллиард крона маблағ талаб этилади. Сув тошқинидан қанча катта зарар кўрилганлигини билмоқ учун шуни айтиш кифоя қилади: 3 мингга яқин уй тамомила вайрон бўлда ва неча юзлаб уйлар қаттиқ зарарланди; 50 мингдан ортиқ киши сув тошган районлардан чиқиб кетишга мажбур бўлди ва 20 минг гектар ерни сув босиб ётибди. Ҳамма гап Дунай сувининг камайишига ёки сувни Дунайга ўз қучларимиз билан оқизиб юборишимизга боғлиқ бўлиб турибди.

Ҳозирги вақтда бутун саноатда халқ хўжалигига такомиллаштирилган ҳолда планли раҳбарлик қилишнинг янги методлари вужудга келмоқда. Янги тадбирларнинг моҳияти шундан иборатки, биз социалистик жамият принципларига асосланиб, экономикага раҳбарлик қилишда тўпланган ва яхши самара берган тажрибалардан фойдаланмоқдамиз, марказий органлар, саноат бирлашмалари хўжалик фаолиятининг бир қанча янги принципларини раҳбарлик чораларига киритмоқдамиз, буни корхоналарнинг ҳам, шунингдек айрим шахсларнинг ҳам моддий манфаатдорлик принципини қўлланиш билан мустаҳкамлашдамиз. Шу билан бирга саноат бирлашмалари ва айрим корхоналар раҳбарларининг ҳуқуқий ваколатлари ҳам, шунингдек масъулияти ҳам оширилмоқда.

Табиийдирки, миллий даромадни тақсимлашнинг асосий пропорцияларини тайинлаб берувчи, капитал қурилиш, илмий-техникавий ривожланиш йўлини, халқаро меҳнат тақсимотининг йўлини, ишлаб чиқарувчи кучларни территориал жиҳатдан жойлаштиришнинг асосий пропорцияларини ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ўстиришни белгилаб берувчи давлат халқ-хўжалик плани ҳалқ хўжалигини ривожлантиришни йўналтиришда бундан буён ҳам асосий роль ўйнай беради. Ўз-ўзидан маълумки, пул муносабатларининг формалари, айниқса қатъий белгиланган нархлардан тортиб, то ўз-ўзидан вужудга келаётган нархларгача ҳамма нархлар ҳам мана шу принципларга мувофиқ бўлиб тушаверади.

Шу идеяларни ўтказувчи инсоннинг роли, унинг сиёсий ва маданий савияси, унинг турмуши ҳам шунга боғлиқдир. Шу сабабли биз бутун жамиятнинг куч ва ғайратини инсоннинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, унинг давлатни бошқаришда ва унинг жамият тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишда иштирок қилишини кенгайтиришга қаратишимиз лозим. Шунинг учун ҳам социалистик демократияни кенгайтириш экономикани ривожлантириш билан, социалистик жамиятни сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу вақтгача биз, аввало, саноатга раҳбарлик қилиш ва уни ташкил этиш масалаларини ҳал қилиб келдик. Чехословакия Коммунистик партиясининг XIII съезди раҳбарликнинг ва ишларни ташкил этишнинг янги формаларини қишлоқ хўжалигига ҳам татбиқ қилиш масаласини кўриб чиқади. Шу билан бирга съезд эришилган натижаларни якунлаб беради ва Чехословакия Коммунистик партиясининг XII съезди қўйган вазифаларни — қишлоқ хўжалигининг даражасини саноат даражасига кўтариш вазифаларини бажариш соҳасида кўрилиши лозим бўлган чораларни муҳокама қилади. Бизнинг фикримизча, бу вазифа шундан келиб чиқадики, бизнинг қишлоқ хўжалигимизда хўжаликни юритишнинг социалистик формалари тўла равишда устунлик қилиб келмоқда. У ўзининг техникавий даражаси, интенсивлиги ва ишлаб чиқаришни ташкил этиши жиҳатидан, моддий манфаатдорлик принципини қўлланиши, ходимларнинг малакаси жиҳатидан ва, табиийдирки, жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш жиҳатидан саноат даражасига тобора кўпроқ кўтарила беради.

Чехословакия Коммунистик партиясининг XIII съезди социалистик жамиятни ривожлантиришнинг бошқа жиҳатларига таллуқли вазифаларни ҳам ишлаб чиқади. Бунда гап, жумладан меҳнаткашлар турмушининг ҳамма соҳаларида — меҳнатда, ўқишда, дам олиш ва маданиятда уларнинг эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлаш устида боради. Сўнгра, устқурманинг ва идеологик фаолиятнинг таъсири марксизм-ленинизм принциплари асосида, пролетар интернационализми принциплари асосида яхлит социалистик жамиятнинг шаклланишига тағин ҳам самарали ёрдам бермоғи учун устқурма ва идеологик фаолиятнинг ҳамма соҳалари тўғрисида ҳам гап боради.

Ўртоқлар, Чехословакия Социалистик Республикамиз қурилишининг ички масалаларига кўпроқ эътибор бериш билан бирга биз социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигининг бир аъзоси эканлигимизни ва ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашга ўз ҳиссамизни қўшишга мажбур эканлигимизни бир дақиқа ҳам унутаётганимиз йўқ.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин воқеаларнинг ривожланиши шуни кўрсатиб турибдики, жаҳон социалистик системасининг тобора мустаҳкамланаётган базасига, халқаро ишчилар ҳаракатининг ва миллий озодлик курашининг кенгайиб бораётганлигига таянаётган тинчлик ва социализм кучларининг таъсири муттасил ўсиб бормоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси империализмнинг негизига ҳам дахл қилмоқда ва шу сабабли реакцион доиралар, айниқса Америка Қўшма Штатларидаги реакцион доиралар бу аҳволдан қутулиш йўлини топишга ва ўзлари учун ноқулай бўлган ривожланишни тўхтатишга уринмоқдалар. Улар коммунизмнинг суқулиб киришига қарши курашамиз, деган баҳона билан жаҳондаги прогрессив ҳаракатни, халқларнинг озодлик курашини, шунингдек мамлакатларнинг ўзларига қўлга киритган давлат мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга бўлган интилишини тўғридан-тўғри бостиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўз мақсадларини кўзлаётган қора кучлар мамлакатлар ўртасидаги мавжуд келишмовчиликларни, масалан Ҳиндистон билан Покистон ўртасида бўлаётгани каби қуролли тўқнашишлар даражасига етказмоқдалар. Минг афсуски, ҳатто Ҳиндистон ва Покистон сингари давлатлар ҳам ўзларининг қуролли жанжаллари билан тинчлик ишига ёрдам бермайдилар, балки, тинчлик учун ноқулай бўлган вазиятни вужудга келтирадилар. Ҳар иккала давлат ҳамжиҳатликка эришиш мақсадида ўзларининг бутун бор кучларини сарфлашлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги вақтда Америка Қўшма Штатларининг вьетнам халқига қарши агрессив ҳаракатларини кўриб турибмиз. Америка Қўшма Штатлари мамлакатда қандай иқтимоий тузум бўлиши керак, деган масалани ҳал қилишга биз ҳақлимиз, деб лоф урмоқдалар. Бу эса Вьетнамнинг тинчликсевар халқига қарши қилинаётган урушдан иборат империалистик ҳаракатлардир. Американликлар ўзларининг шундай ҳаракатларини оқламоқчи бўлиб, коммунизмнинг кенгайиши хавфи бўлган жойларнинг ҳаммасида биз аралашишга ҳақлимиз, деб даъво қилмоқдалар. У қанақа ҳақ, бу ҳуқуқни уларга ким берган? Уларнинг бундай ҳуқуқи йўқ. Америка Қўшма Штатлари халқаро ҳуқуқнинг энг асосий принципларини бузмоқда.

Социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун дунёнинг прогрессив кучлари вьетнам халқининг американлик агрессорларга қарши адолатли курашига гоят ғайрихоҳлик билан қараб, бу курашга ўзининг бирдамлигини изҳор қилмоқда. Совет Иттифоқи, Чехословакия ва бошқа социалистик мамлакатлар Вьетнам Демократик Республикасининг мудофаа қобилиятини таъминлаш учун сиёсий ёрдам билан бир қаторда анчагина моддий ёрдам ҳам кўрсатмоқдалар. Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг Вьетнамдаги агрессив ҳаракатлар дарҳол тўхтатилсин, шунингдек Вьетнам Демократик Республикасининг территориясини бомбардимон қилишлар ва Жанубий Вьетнам халқининг ички ишларига қуролли аралашишлар дарҳол тўхтатилсин, деган одилона талабларини қўллаб-қувватламоқдалар.

Америка Қўшма Штатларининг ҳукумати ниҳоят шуни тушуниб олиши керакки, у халқларнинг тақдири билан бемалол ўйнашадигган вақтлар аллақачон ўтиб кетган.

Биз Германия Федератив Республикасининг қўшниларимиз, биз шу мамлакатда милитаризм ва реваншизм бош кўтараётганлигини кўриб турибмиз. Гўё «немис территориялари» деб аталган ерларни босиб олиш учун курашга даъват қилувчи овозлар бундан бир қанча йиллар муқаддам бўлгани каби ҳозир ҳам эшитилмоқда. Вермахт милитаризм руҳи билан суғорилган яна кучли ҳарбий ташкилот бўлиб қолмоқда. Армияни ядро қуроли билан қуроллантириш тўғрисидаги талаблар тобора барала эшитилмоқда.

Кейинги вақтларда биз сиёсатбозларнинг таҳдид қилувчи овозларини илгари вақтда бўлганидек яна эшитадиган бўлиб қолдик. Лекин ҳозирги вақт 1935 йил эмас ва 1939 йил ҳам эмас. Эндиликда инсоннинг ўзига тегишли хулосалар чиқариб олган. Бугунги кунда инсоннинг воқеаларнинг ривожланишига фан тараққиётидаги жуда катта муваффақиятлар туфайлидан ҳам бошқача назар билан қарайдиган бўлиб қолди. Бироқ, бу интилишларга нисбатан ҳал қилувчи сўзни немис халқининг ўзи айтиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Мавжуд халқаро сиёсий вазият муносабати билан биз Варшава Шартномаси ташкилотнинг аъзоси сифатида ўз зиммамизга олган мажбуриятларга мувофиқ, ўзимизнинг мудофаа қобилиятимизни ва қуролли кучларимизни мустаҳкамлашнинг аҳамиятини тўла равишда тушуниб турибмиз.

Шу билан бирга биз социалистик мамлакатларнинг ҳамда бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги, бутун дунёда тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги янги муваффақиятларимизнинг асосий гарантияси бўлган мана шу бирликни таъминлаш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрамиз.

Барча коммунистик ва ишчи партияларнинг интернационал масъулиятини оширишни ҳамда уларнинг коллектив ҳаракатларда ва империализмга, мустамлакачиликка қарши, тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик бўлиши учун ялпи курашда актив қатнашувни биз ҳозирги вақтда ҳаракатимизнинг бирлигини мустаҳкамлашнинг асосий йўли, деб биламиз.

Бизнинг Коммунистик партиямиз шу нарсага аминдирки, ҳозирги вазият ҳар қанча мураккаб бўлишига қарамай, шу вазиятнинг ўзида ҳам халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини аста-секин мустаҳкамлаш учун имконият бор. Қардош партиялар ўртасида ўзаро муносабатлар олиб бориш, бунда коммунистик ҳаракатнинг асосий принципи бўлган интернационализмни назардан четда тутмаслик керак, деб таъкидламоқдамиз.

Биз ҳаммамиз қулай вақт келиши билан коммунистик партияларнинг халқаро кенгашини ўтказишга ҳаракат қилмоғимиз лозим, деб ўйлаймиз, бундай кенгаш бир қанча актуал халқаро проблемаларни, шунингдек ҳаракатимизнинг ички проблемаларини муҳокама қилган бўлур эди. Халқаро коммунистик ҳаракатдаги келишмовчиликлар империализм билан ҳарбий можаро бўлиб қолган тақдирдагина бартараф қилиниши ва ҳаракат бирлиги мустаҳкамланиши мумкин, деган нуқтаи назарга асло қўшилмаймиз. Аксинча, бизнинг ҳаракатимизнинг бирлиги можаронинг олдини олган тақдирдагина, масалан, Вьетнамдаги агрессияни тўхтатишга олиб келган тақдирдагина ҳаракатимизнинг бирлиги аҳамиятга эга бўлади.

Азиз ўртоқлар! Мамлакатингизда бўлишимизнинг охирги пайтлари яқинлашмоқда. Чехословакия социалистик Республикасининг партия-давлат делегацияси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг делегацияси билан музокаралар олиб борди. Бизнинг музокараларимиз ошкора ўртоқлик вазиятида ўтди, дўстона музокаралар бўлди, чунки бу музокаралар асосий масалаларнинг ҳаммаси бўйича бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётган икки коммунистик партия ва мамлакат вакиллари ўртасида олиб борилаётганлиги сабабли бундан бошқача тарзда бўлиши ҳам мумкин эмас эди-да.

Биз ҳозирги халқаро сиёсий вазиятнинг бир қанча масалаларини муҳокама қилдик, жаҳондаги мавжуд проблемаларни ҳал қилиш тўғрисида ўзаро фикрлашиб олдик. Биз халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги масалалари ҳақида, марксизм-ленинизм принципларини, пролетар интернационализми принципларини асосида ҳаракатимиз бирлигини мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўриш зарурлиги тўғрисида гаплашиб олдик.

Жуда кенг маънодаги ўзаро ҳамкорлигимизнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тўғрисида келишиб олдик. Шу ҳамкорлик натижасида қўлга киритилган тажриба ва натижалар шундай яхши негиздирки, биз мана шу негизга асосланиб, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги дўстлигимизни ва ҳамкорлигимизни ҳар томонлама кенгайтиришимиз лозим. Бизнинг суҳбатларимиз шу нарсада бизда бирлик борлигини кўрсатдики, муттасил кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган ҳамкорлик, иқтисодий ва илмий-техникавий проблемаларни ҳал қилишдаги ишларимизни координациялаш ва ўзаро ёрдамлашиш икки социалистик мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун асосий йўл бўлиши лозим.

Олиб борган музокараларимизнинг натижалари икки социалистик мамлакат ўртасида вужудга келган яхши муносабатларни намойиш қилмоқда, деб ўйлаймиз.

Партия-давлат делегациямизнинг бу ерда бўлишини ва олиб борган музокараларимизнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида бизга кўрсатилган ёрдам учун шу минбардан туриб Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва Министрлар Советига, шунингдек Совет Социалистик Республикаларининг партия ва давлат органларига ҳамда биз бўлган барча шаҳарлар ва қишлоқлардаги партия ва давлат органларига ташаккур изҳор қиламиз. Биз чехословак халқига чуқур қардошларча дўстлик ҳислари, изҳор қилинганлиги учун совет халқига чин кўнгилдан ташаккур айтамиз.

Биз ишонамизки, бизнинг визитимиз социализм, коммунизм ишига ва инсониятнинг тинч турмушига қўшилган ҳисса бўлиб қолади.

Дўстлар! Коммунизмнинг моддий техника базасини яратишда, тинч ва бахтиёр турмуш қуришда совет мамлакатини ривожлантириш йўлида қилинаётган меҳнатда бутун совет халқига кўпдан-кўп янги муваффақиятлар тилаймиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини, унинг Марказий Комитетини табриклаймиз ва у Совет Иттифоқи халқларини марксизм-ленинизм буюк идеяларининг ғалабаси, коммунизм ғалабаси йўлидан муваффақиятли равишда бундан буён ҳам олға бошлаб боришини тилаймиз.

Чехословакия — Совет дўстлиги ҳамиша мустаҳкамлана берсин!

Совет Иттифоқи билан ҳамиша ва абадий биргамиз!

Жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлашга бутун кучимизни сарфлаймиз!

Яшасин социализм ва коммунизм!

Яшасин тинчлик!

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети мақомчилар ансамблининг солисти, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ортиқхўжа **Имомхўжаев** ўзбек вокал санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига 60 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

КОММУНИСТИК ОДОБ ВА АХЛОҚ ТЕМАСИДА

ЖАСОРАТЛИ КИШИЛАР

Баҳор. Ҳавони қора будут қоплаб, орадан сал ўтмай кучли сел қўйди. Шиддатли сел оқими сойни тўлдириб оқа бошлади. Сув сатҳи тобора кўтарилиб борарди. Шу сойлиқда жойлашган отардаги қўй-эчкилар ҳавф остида қолди. Бу ҳодисанинг қутилмаганда устидан чиқиб қолган ўқитувчи Д. Нормуродов нима бўлишини ўйлаб ўтирмай, атрофни ювиб, лойқаланиб оқаётган сувга ўзини отди. Эпчиллик билан сойнинг нариги қирғоғига сузиб ўтди-да, отар томонга ташланди. Жасур йигит отардаги қўйларни селдан сақлаб қолди.

Хўш, шу ҳам қаҳрамонликми, дейишингиз мумкин. Лекин шу оддий воқеада Нормуродов совет кишисига хос фазилатини намойиш қилди: коллектив мулкини, совхознинг 750 бош қўй-эчкисини ҳалокатдан сақлаб қолди.

Совхоз маъмурияти ва мазкур отарнинг чўпони ўқитувчи Нормуродовга ташаккур биздиришди.

Бу воқеа Самарқанд области «Ғаллаорол» совхозининг Жарбулоқ қишлоғи яқинидаги отарда содир бўлган эди. Маълум бўлишича, шу ҳодиса рўй беришидан сал олдин отарга бириктирилган чўпон қўшни отардаги касбдошлари олдига зарур иш билан кетган экан.

Ватанимизда коммунистик жамият қуриш учун унинг моддий-техника базасини яратиш, коммунистик иқтимоий муносабатларни шакллантиришнинг ўзи етарли ҳисобланмоқда. Бунинг учун айни вақтда янги инсонни, коммунизм кишисини тарбиялаб етиштиришимиз зарур.

Коммунизм кишиси ҳар томонлама камол топган, ўзида маънавий бойликни, ахлоқий поклиқни ва жисмоний камолотни мужассамлаштирган бўлади. Коммунизм қурувчиси ахлоқ кодексининг ҳар қайси моддасида коммунизмда яшовчи барча кишиларнинг ахлоқий сифати, маънавий фазилати ўз ифодасини топган. Ана шу қоидалардан бири «Коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам: бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган ахлоқ нормасидир.

Бу ахлоқ нормаси кишилардан коллектив манфаатларига содиқ бўлишни, ўз шахсий манфаатларини иҳтимоий манфаатларга бўйсундиришни, коллектив ҳар бир кишининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилишни тақозо этади. Масалан, «Ташкенткабель» заводининг Г. Норхўжаев сменасида ишловчи кабелчиларни олайлик. Сменада 22 киши ишлайди. Иш процессида ва шахсий турмушда ҳар бир киши ўз манфаатини кўзлабгина қолмай, бирга ишлаётган ўртоқларига ёнидан ёрдам беради. Айниқса эндигина ишга келган ёшларга ўз тажрибаларини ўргатиб, уларни руҳлантирмоқда. Бирор ишчи бетоб бўлиб қолса, коллектив касалнинг ҳолидан хабардор бўлиб туради. Коллектив аъзоларининг туғилган куннини биргалашиб ўтказиш, коллектив равишда дам олиш, зарур пайтда ўзаро ёрдамлашиш буларга хос хусусиятдир.

Коммунистик ахлоқ ҳамма вақт аввало коллектив, иҳтимоий манфаатларни кўзлашни, ўз шахсий манфаатларини коллектив манфаатларига бўйсундиришни, коллективга содиқ бўлишни тақозо этади. Аммо бундан коллективизм шахсий манфаатларни кўзламас экан, деган маъно келиб чиқмайди. Бу ахлоқий норма кишиларнинг шахсий манфаатини, уларнинг моддий, маданий эҳтиёжларининг қондирилиши ҳақида ғамхўрлик қилишни талаб этади. Ҳар бир кишига коллективнинг манфаатлари, шон-шуҳрати учун, коллективга эса ўзининг ҳар бир аъзосининг эҳтиёжлари қондирилиши учун жавобгарлик юклайди. Ҳозирги кунда совет кишилари коллективизм принципига амал қилиш намуналарини намойиш қилмоқдалар. Бу, давримиз кишиларининг иҳтимоий меҳнатга бўлган муносабатида яққол кўзга ташланади. Совет кишилари коллектив халқ, Ватан манфаатларини кўзлаганликлари учун ҳам кўтаринки руҳ ва зўр шижоат билан ижодий меҳнат қиладилар.

Коллектив манфаати йўлида меҳнат қилиш халқимизнинг маънавий эҳтиёжига айланиб бораётганлигидан коммунистик меҳнат бригадаси, зарбдори деган шарафли номни олиш учун кураш тобора кенгайиб бормоқда. Бундан беш йил олдин коммунистик меҳнат ҳаракатида республикамиз бўйича 100 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи қатнашган бўлса, ҳозир улар 650 минг кишидан ошиб кетди. Фақат Тошкент областининг ўзида 1964 йили (январида) коммунистик меҳнат ҳаракатида 188758 киши қатнашган бўлса, 1965 йили (январида) улар 226300 кишига етган.

Совет кишилари шахсий манфаатдан коллектив манфаатини устун қўйиб, халқ давлат мулкини кўз қорачиғидек сақламоқдалар. Янгиер шаҳар матлубот жамиятининг керосин дўконига қарашли цистернадан тўкилган бензин ўт олиб кетган ва ёнғинининг асосий омборга ўтиш ҳавфи туғилган. Пантея, Мирошниченко, Санглов, Сударушкин, Шоиқоровлар буни сезиб қолиб ўз ҳаётлари таҳлика остида қолишига қарамай, ёнилғи тўла бочкаларни ёнгин чиққан зонадан ташқарига олишга уринганлар. Шунда бочкалардан бири портлаган, натижада кишилар жиддий жароҳатланган. Лекин улар ёнгинни батамом ўчирмагунча тинмай, давлат, халқ мулкини сақлаб қолишга муваффақ бўлганлар.

Коммунистик ахлоқ нормаси таъмагарликка эмас, балки саммий, ўзаро садоқат, соф кўнгилликка каби инсоний фазилатларга асосланади. У кишилар ўртасида онда-сонда учрайдиган, буржуа ахлоқи сарқитлари ҳисобланган — алдамчилик, ҳасислик, лаганбардорлик, ҳасад қилишлик, шафқатсизлик, тилёгламалик, маҳмалик каби ярамас иллатларга тамоман зиддир.

Ҳозир меҳнаткашларни коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам руҳида тарбиялашда жамоатчиликнинг роли ошиб бормоқда. Меҳнаткашларнинг жамоатчилик ишига жалб этилиши, ўртоқлик судлари, кўнгилли халқ дружиналари, хотин-қизлар советлари, ота-оналар комитетлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ишида қатнашишнинг ўзи уларни иҳтимоий, коллектив манфаати йўлида меҳнат қилишга ўргата боради, коллективизм принципини уларнинг эътиқодига айланишига ёрдам беради, улар ўртасида ўртоқлик, дўстлик муносабатларининг намол топишига ижобий таъсир этади.

Коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам ахлоқ принципининг кишилар онгида шаклланиши, коммунизм кишиси воягa етишувининг муҳим шартидир. Ҳозирги кунда шу ахлоқ принципи кўпчилик совет кишиларининг фаолиятига айланиб боряпти.

Т. СИДДИҚОВ,
фалсафа фанлари кандидати.
С. ОБЛОҚУЛОВ,
фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими.

Суратда (чапдан): РСФСР халқ артисти, давлат мукофоти лауреати Б. А. Попов «Уч опа-сингил» спектаклидаги Фералонта ролида. «Уч опа-сингил»лар: Маша — РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. В. Юрьева, Ольга — РСФСР халқ артисти, давлат мукофоти лауреати К. Н. Головко, Ирина — артист Р. Б. Максимова, СССР халқ артисти, давлат мукофоти лауреати А. Н. Грибов — «Улик жонлар» спектаклидаги Собакевич ролида.

Р. Левицкий чизган расмлар.

«ЎЛИК ЖОНЛАР»

Спектакль тугаб, қарсак янгради. Томошабинлар тик турган ҳолда СССР халқ артистлари М. Кедров, В. Станицин, Б. Ливанов, А. Зуева, В. Белокуровларни самимий қутладилар. Тошкент томошабинларининг «Ўлик жонлар» спектаклига кўрсатган бу қадар жўшқин муносабати бежиз эмас эди, албатта. Зотан, «Ўлик жонлар» МХАТ асосчиларидан бири К. С. Станиславский томонидан 1932 йилда саҳналаштирилган ва шу кунга қадар театрнинг репертуаридан ўрин олиб келаётган дурдона асардир.

«Гоголь поэмасини саҳналаштириш алоҳида бобларнинг безалишидан эмас, балки поэмани ниг ғоявий мазмунини театр воситалари ила чуқур ифода этишдан иборат бўлиши керак» деб ёзган эди Станиславский. Биз томоша қилган спектакль рус режиссурасининг машҳур реалисти айтган фикрлар тўла амалга ошганини ёрқин ифода этди. Спектакль жаҳолат боткоғида ботиб ётган чор Россиясининг ҳақиқий афти-ангорини тўлалигича кўрсатиб беради.

МХАТ спектакли томошабин кўз ўнгида крепостной деҳқонларни хонавайрон қилган, қаллоблик, порахўрлик, муттаҳамликни ўзининг ҳаёт кечириш услуби қилиб олган чиркин тузумнинг реал портретини яқкол жонлантиради. Н. В. Гоголь ва МХАТнинг бир-бирига муносиб маҳоратларининг далили бўлмиш «Ўлик жонлар» спектакли ўз режиссурасининг таърифича «ўзига тарих томонидан қазилган ғўрга тушишни истамаётган ва шунинг учун бошқаларни ўзи билан заҳарлаб ётган ўлик синф ҳақида поэмадир».

Спектаклнинг томошабинни мафтун қиладиган ери ана шу аллақачон ўлимга маҳкум этилган синф вакилларининг ўз хатти-ҳаракатларида ўта жиддийликларидир. Барчани лақиллатиб 200 минг капитални қўлга киритаман деб ўйлаган ва бу мақсадини амалга оширишга бутун борлиги билан киришган Павел Иванович Чичиков (артист Белокуров) ҳам, савдо битгач «ўлик жонларни арзон сотиб қўймадимикан» деб шаҳарга йўл олган бир оёғи ерда, бир оёғи ғўрда бўлган Коробочка (артист Зуева) ҳам, қаллобликни сув қилиб ичиб юборган Собакевич (артист Грибов) ҳам ўзларининг қилиб юрган ишларини гоят тўғри деб биладилар — ҳар бир қадамларини ишонч билан ташлайдилар, ҳар бир гапни ўзлари ишонган ҳолда гапирадилар, шу билан бирга, айни вақтда ўз қаҳрамонларининг қанчалик қолоқ, тубан эканлигини, шак-шубҳадан мустасно қиладилар. Спектаклнинг режиссураси, актёр ижроси ва бадиий безалиши бир-бирига гоят мутаносиб, саҳна санъатида намуна бўларли ғаромонянни ташкил этади. Фикримизнинг исботи учун ҳар бир саҳна ў ёки бу помешчикнинг «диди»ни, характерини яққол кўрсатиб туриш кучига эгалигини айтиш кифоя. Қаҳрамонлар характерини чуқур очишда режиссура ва ижрочилар ташқи воситалар—грим ва кийим-кечакдан гоят маҳорат билан фойдаланганлар. Саҳнада сарғимтил кийимда битта-битта қийшиқроқ қадам ташлаб юрувчи Собакевич, афти ангоридан хотинми-эркак эканлигини ажратиш қийин бўлган, белида саксон саккизта калит осиб юрувчи Плюшкин (артист Петкер), амалга ошмас хаёллар суриб ётишдан бошқага ярамайдиган енгил табиат Манилов (артист Б. Ливанов) ва бошқаларни кўрган томошабин кўз ўнгида Гоголь даврининг ярамас типлари гавдаланади. Спектакль бошидан охирига қадар томошабин диққатини бир дақиқа ҳам бўшаштирмайди.

«Ўлик жонлар» спектаклининг бадиий ва ғоявий қиммати шундаки, у чор Россияси маразларини шунчаки реал тасвирлаш билан чегараланмайди. У тасвир этилган муҳит ва унинг кишиларини аччиқ сатира остига олади. томошабиннинг асар қаҳрамонларига нисбатан нафрат билан тўлибтошган қаҳ-қаҳасини алангалатади, демак даврнинга катта хизмат қилади. Санъатнинг ана шундай кучини намойиш қила олган «Ўлик жонлар» спектакли ва унинг яратувчиларига минг бор офарин, деймиз.

Т. ИСЛОМОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЛОТЕРЕЯСИ

МОСКВА. (ТАСС мухбири). Журналистларнинг халқаро ташкилоти 1965 йилги халқаро бирдамлик бўюм лотереясининг лотерея билетларини чиқарди. Бу лотереяда СССР, Чехословакия, Венгрия, Болгария, Германия Демократик Республикасининг журналистлар союзлари қатнашмоқдалар. Лотереянинг мақсади — ўзининг прогрессив эътиқодлари учун таъқиб этилаётган журналистлар билан бирдамлик ва уларга ёрдам кўрсатиш халқаро фонди фойдасига маблағ тўплашдир.

Лотереяда хилма-хил ютуқлар: мижта «Волга», учта «Москвич-408», «Шкода», «Вартбург», «Трабант» автомобиллари ўйналади. Саёҳат ишқибозлари Болгария, Чехословакия, Англия ва бошқа мамлакатларга бориш учун туристик йўлланмалари ютиб олишлари мумкин. Кимдир Венгрияда ишлаб чиқарилган моторли қайиққа ёки «Саратов» холодильникига эга бўлади. Беш давлатнинг моҳир усталари ясаган ажойиб эсдалик совғаларини олади.

Тираж 1965 йил 19 декабрда Прагада ўтказилади. Нархи 30 тийинлик бўлган бу билетларни СССР Журналистлар союзининг маҳаллий бўлимлари тарқатади.

РЎЗҒОР ЯНГИЛИКЛАРИ

АЕЛЛАР УЧУН

Рўзғор ишидаги ҳеч бир аёл кир ювишни завқли иш деб айтмаса керак. Айниқса кир ювишга чечан бўлмаган аёллар бундай дейишмайди. Киевдаги электр рўзғор машиналари ва асбоблари заводининг мутахассислари тажриба учун бир қанча рўзғор асбобларини тайёрлаб беришди. Бу асбоблар хотин-қизларни ҳеч шубҳасиз хурсанд қилса керак: булар орасида кир ювиб берадиган «Элита» номли машина бор. Бу машина ўзининг ташқи кўриниши чиройли бўлиши, ихчамлиги, электр энергияни кам сарфлаб, тежамли бўлиши билан ўз ўтмишдоши «Киев» машинасидан фарқ қилади. Машинадаги активатор конструкцияси такомиллаштирилди, шу туфайли энди ювилган кирнинг сувини машинанинг ўзи сиқиб чиқаради.

● КИЙИМ ТОЗАЛАЙДИГАН АВТОМАТ

Сиз бу автоматнинг махсус тешигига пул солишингиз билан унинг эшиги очилади. Барабаннинг ичига кийимингизни солиб қўйишингиз билан автомат уни ярим соатда топтоза қилиб беради.

Змиев машинасозлик заводи кийимларни химиявий усулда тозалайдиган машиналарни ишлаб чиқара бошлади. Бу машиналарда ҳамма иш одамнинг иштирокисиз автоматик равишда бажарилади. Бундай агрегатлар ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи маиший павильонларга ўрнатиб қўйилади.

● ИККИТА ШКАФЛИ ПЛИТА

Газ аппаратлари заводи «Львов-29» ва «Львов-30» маркали модернизация қилинган икки хил газ плиталари ишлаб чиқара бошлади. Илгари чиқарилиб келган плиталар негизида яратилган бу иккала нусханинг конструкцияси анча такомиллаштирилди. Бу плиталар ҳозирги замон ошхона мебелларига мос бўлиб тушадиган ўзининг чиройли ташқи кўринши билан фарқ қилади. Ҳар бир плитада иккита шкаф—овқатни димлаб пиширадиган ва қуритадиган шкафлар бор, илгариги плиталарда фақат битта шкаф бўлар эди. Олов ёқиш учун махсус аппарат борлиги ҳам рўзғор эгаларини хурсанд қилса керак. Аммо асосий янгилик шундан иборатки, янги плиталарнинг горелкалари бутунлай бошқача ишланган. Бу горелкалар газнинг батамом ёнишини таъминлайди.

● ШИША... ИЧИДАГИ УКРОП

Шишага солиб қўйилган бу элексирнинг бир томчиси шўрвани лаззатли ва хушбўй қилади. Шу туфайли ҳатто, Шимолий Қутбда ҳам пиширилган шўрвалардан Украина укропининг ҳиди келиб туради. Прилуки ялпиз заводи укроп мойи деб аталган бу элексирнинг бир неча юз килограммини тайёрлаб чиқарди. Элексир одатдагича укропнинг уруғидан эмас, балки қўмқўк ўсиб турган укропнинг ўзидан тайёрланди. Натижада элексир айниқса хушбўй бўлиб қолди.

КИЕВ.

(ТАСС мухбири).



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Суратда: Фрунзе майдони.

А. Тўраев фотоси.

Ер шарини айланиб

ОЙНАДАН ЎПКАЛАМА

Ғарбий герман журнали «Шпигель» («Ойна»)нинг сўнгги сонларидан бири ҳаммасининг диққат-эътиборини ўзига тортадиган мақола билан чиқди. Мақолада жангчиларни ҳужумга бошлаб бораётган командирнинг кенг оммага машҳур бўлган фотосурати тасвирланган. Бу суратни уруш йилларида Луганск яқинида совет мухбири Альперт олган эди. Журнал шу сонидан бошлаб инглиз ёзувчиси ва журналисти Александр Вертнинг «Россия урушда. 1941 — 1945 йиллар» китобидан парчалар боса бошлади. Ғарбда бу китоб катта қизиқиш туғдирди, чунки унинг автори фақат тадқиқотчи бўлиб қолмай, китобда тасвирланган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишидир. Верт Англияда чиқадиган «Санди таймс» газетасининг Совет Иттифоқидаги ҳарбий мухбири эди.

«Шпигель» журнали редакцияси бир неча сонда уруш ҳақидаги объектив хроникани босиш билан қандай мақсадни кўзда тутмоқда? Журнал вошири ва бош редактори Рудольф Аугштейн бу саволга қуйидагича жавоб беради:

«Мен Ғарбий Германияда яшаётган ва ҳар қадамда Россияга қарши урушда немис солдатининг жасорати мадҳига дуч келаётган немисга ойнинг орқа томони каби унинг эътиборидан четда қолаётган нарсани, медалнинг орқа томонини кўрсатмоқчи бўлдим».

Сўнгги йилларда Ғарбий Германия адабиёт бозори гитлер қўшинлари «жасорати»ни улуғловчи турли эсдаликлар, кундаликлар ва сохта бадиий «асарлар» билан тўлиб-тошиб кетди. Суратли журналларнинг муқоваларида гитлерчи солдатнинг суратлари босилади, телевизор экранларида кўрсатилади; ГФРда «Дойчи национальцейтунг унд зольдатен цейтунг» деган очиқдан-очиқ нацистча газета кўп нусхада чиқаралмоқда. Бу газета босқинчилик урушларини кўкларга кўтармоқда, иккинчи жаҳон уруши якуларини ревизия қилишга, янги «дранг нах остен» га чақирмоқда.

«Шпигель» редакциясига тўғри баҳо бермоқ керак: у шундай бир шароитда гитлерчиларнинг ваҳшийлик, босқинчилик ва бузғунчилик идеологияси билан суғорилган армиясининг асл башарасини кўрсатувчи Вертнинг тарихий хроникасини босиб чиқаришга киришиб, маълум даражада мардлик қилмоқда.

Инглиз журналисти объектив тасвирлаган фашист армияси солдатининг қиёфаси Германия Федератив Республикасидаги маълум доираларнинг газабини қўзғотди. «Шпигель» редакциясига хатлар ёғилиб кела бошлади, уларнинг бир қисми журнал саҳифаларида эълон қилинди. Ингельхейм шаҳарчасида яшовчи инженер Эрвин Диксниг газаб билан ёзган хати редакцияга келаётган кўпчилик хатларнинг мазмуни қандайлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Эрвин Дикс Шарқий фронтда Орёл шаҳри яқинида жанг қилган. У Верт хроникасининг босиб чиқарилишига қарши эканлигини билдиради. Диксниг хати шундай руҳда ёзилганки, уни фашистларнинг севимли пропаганда усулидан фарқ қилиш қийин. Халқ мақолига кўра, гўр тузатадиган бу нацистлар эмас, балки уларнинг Ғарбий Германия ёш авлодининг маълум қисмига таъсир қилиши мумкинлиги катта ташвиш туғдиради. Масалан, Тюбингенда яшовчи Эберхард Бизерга Вертнинг китоби «оталар обрўсини туширши» мумкинлиги ёқмайди.

Бошқа турдаги «танқидчилар» ҳам бор. Улар фактларни инкор этмайдилар, аммо уларни ўзларича талқин қиладилар. Масалан, шундай «танқидчи»лардан бирининг ёзишича, совет қишилари «олий ирқ»ка бўйсунмай, миллионлаб одамларнинг азоб-уқубатлар тортганликларига, уларнинг ўзлари айбдор эмишлар. Вермахтнинг собиқ генерал-майори Ганс Киссель немислар босиб олган Харьков шаҳрида ўн мингдаб одамларнинг очдан ўлиб кетишига уларнинг ўзлари айбдор, деб ёзиб, одамларнинг ҳаётини ўлдирган ва ўзларининг ҳаётини сақлаб қолган ҳарбий мутахассислар ҳақида ҳеч нарсани ёзмаган, ҳеч нарсани ўйламаган, ҳеч нарсани ҳис қилмаган, ҳеч нарсани ўрганмаган, ҳеч нарсани ўзгартирмаган, ҳеч нарсани ислоҳ қилмаган, ҳеч нарсани ислоҳ қилишга ҳаракат